



Бажарилиши икки йилга мўлжалланган инновацион лойиҳалар танлови мавзуси

“Техника фанлари” йўналиши бўйича			
№	Инновацион лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>35 ХГСЛ ва Ст110Г13Л қотишмаларидан олинадиган қуйма маҳсулотларнинг таркибидаги газ ғоваклар ва нOMETALL қўшимчаларни камайтириш технологиясини яратиш</p>  <p align="center"><small>Электронное изображение 1</small></p>  <p align="center"><small>100µm</small></p>	<p>Тадқиқот шакли: 35 ХГСЛ ва Ст110Г13Л қотишмаларидан олинадиган қуйма маҳсулотларнинг таркибидаги газ ғоваклар ва нOMETALL қўшимчаларни камайтириш технологиясини яратиш бўйича инновацион лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 35 ХГСЛ ва Ст110Г13Л қотишмаларидан сифатли қуйма маҳсулотлар олиш учун қотишмаларни суюқлантириш режими ва уларга ишлов бериш технологиясини яратиш босқичлари қуйидагича амалга оширилади: <ul style="list-style-type: none"> - электррей ва электршлак печларида 35 ХГСЛ ва Ст110Г13Л қотишмаларини турли ҳароратда суюқлантириш режимлари амалга ошириш асосида юза тозалигига ва юқори механик хоссаларга эга бўлган қуйма маҳсулотлар олиш технологияси яратилади; - турли ҳароратда печ ичида ва печдан ташқарида суюқ қотишмага 12 турдаги флюслар билан (таркибида С, Na, Cl, Nларнинг мавжуд бирикмали флюслар) ишлов берилади ва натижалар асосида механик хоссаларнинг боғлиқлик графиги ишлаб чиқилади; - суюқлантириш режими ва флюслар ёрдамида ишлов бериш технологиялари асосида қотишма таркибидаги газ ва нOMETALL қўшимчаларнинг ўзгариш динамикаси асосида ишлов бериш режими ва қуйиш технологияси яратилади; - олинган натижаларни ишлаб чиқариш шароитида синов тажрибаси ўтказилади ва лаборатория синовлари натижалари орасидаги тафовут коэффициентлари ишлаб чиқилади; - ишлаб чиқилган коэффициентлар асосида жараённинг математик модели тузилади ва ишлаб чиқариш қувватига нисбатан технологиянинг самарали ишлашини таъминлайдиган математик модел яратилади. - 35 ХГСЛ ва Ст110Г13Л қотишмаларидан олинадиган қуйма маҳсулотларнинг таркибидаги газ ғовакларнинг миқдори 30-35%га, нOMETALL қўшимчаларни 20-25%га камайтиришни таъминлайдиган технология ишлаб чиқилади. Натижада қуйма маҳсулотларининг механик хоссалари 14-16%га ошади, хизмат муддати 1,2-1,3 мартага ошириш имкони яратилади. 	<p>0,4 млрд сўм</p>

		<p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари “Ўзметкомбинат” АЖда синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	
Жами йиллик:			0,4 млрд сўм


**Инновацион лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,8 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши уч йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Техника фанлари” йўналиши бўйича			
№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>“Ўзметкомбинат” АЖ шароитида суюқ мойлаш тизимида ишлатилган мойларни сувсизлантириш технологиясини яратиш</p>  	<p>Тадқиқот шакли: “Ўзметкомбинат” АЖ шароитида суюқ мойлаш тизимида ишлатилган мойларни сувсизлантириш технологиясини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндилари асосида мойни сувсизлантириб ажратиш учун композицион кимёвий реагентлар таркиби яратилади; - яратилган композицион кимёвий реагентларнинг хусусиятлари аниқланади; - мойни сувсизлантириш мақсадида композицион кимёвий реагентни олишнинг илмий-услубий принциплари яратилади; - олинган композицион кимёвий реагентни ишлаб чиқариш технологияси яратилади ҳамда модул технологик линияси ишлаб чиқилади; - мойни сувсизлантириш мақсадида композицион кимёвий реагентни тажриба-синов партияси ишлаб чиқарилади; - композицион кимёвий реагентни олиш бўйича корхона стандарти (техник шароит) ва технологик регламент ишлаб чиқилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари “Ўзметкомбинат” АЖ ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	0,5 млрд сўм
Жами йиллик:			0,5 млрд сўм

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,5 млрд сўм ва бажарилиши уч йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Техника фанлари” йўналиши бўйича			
№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Рух сақловчи пўлат эритиш чанглари қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Рух сақловчи пўлат эритиш чанглари қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - технология яратиш бўйича олиб бориладиган тадқиқот ишларида қуйидаги натижалар олинади: - таркибида рух сақловчи пўлат эритиш чанглари кимёвий ва моддий таркиблари ўрганилади ва рухни дистилляция (пирометаллургик) усулда ажратиб олиш учун шихтага қўшилаётган тикловчи моддаларнинг оптимал тури ва сарфи аниқланади; - рух сақловчи пўлат эритиш чанглари ва тикловчи моддалардан ташкил топган шихта қувурли печда 1100-1150 °С да қайта ишланади, бунинг натижасида рух оксиди тикланиб буғланади ва чанг тутиш тизимида ушланиб қолинади, шунингдек жараённинг оптимал кўрсаткичлари аниқланади; - тўпланган чанглardan 6000 тоннагача ва ҳар ой ҳосил бўладиган чанглardan 150 тоннагача рух ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади; - таркибида рух сақловчи пўлат эритиш чангларида рух дистилляция усулда ажратиб олингандан сўнг, чанг таркибидаги темир оксидлари печдаги тикловчи муҳит ҳисобига металл кўринишгача тикланади ва “клинкер” деб номланган маҳсулотни ҳосил қилади. Клинкер таркибида металл темирнинг миқдори 52-60 фоиз ташкил этади ва бу маҳсулотни пўлат эритишда хомашё сифатида қўллаш имконияти пайдо бўлади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари тоғ кон металлургия, кимё, қурилиш, машинасозлик соҳаларида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	0,45 млрд. сўм
Жами йиллик:			0,45 млрд. сўм

*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,9 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.